

“Келишилди”

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик
субъектларининг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларини ҳимоя
қилиш бўйича Вакил



Д. Касимов

2021 йил “27” декабрь

“Тасдиқлайман”

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атропо-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
раиси ўринбосари



И. Боқижонов

2021 йил “27” декабрь

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида назорат қилиш юзасидан САВОЛНОМА

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш юзасидан саволнома саволлари
рўйхати

№	Савол (текшириладиган масала, ҳолат)	Савол доирасида текшириш ваколати берилган норматив- ҳуқуқий ҳужжат (аниқ модда ва бандларини кўрсатган ҳолда)
1.	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг бажарилишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-1-сон Қонуни 24-моддаси, 6-банди.
2.	Атмосферага чиқарилаётган чиқиндиларни тозалашда фойдаланилаётган иншоотлардан (ЧГТУ) фойдаланиб келинганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-1-сон Қонуни 24-моддаси, 2-банди.
3.	Ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқарилишида ўрнатилган меъёрларга амал қилинганлигини текшириш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-1-сон Қонуни 24-моддаси, 7-банди.
4.	Чиқариладиган чиқиндиларнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига риоя қилмасдан, атмосферани юқори даражада ифлослантириш ҳолатлари содир этилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-1-сон Қонуни 24-моддаси, 7-банди.
5.	Ифлослантирувчи моддалар манбалари хатловдан ўтказилганлигини ҳужжатлар асосида ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-1-сон Қонуни 11-моддаси.
6.	Ифлослантирувчи моддаларни ҳосил бўлиши ва атмосферага чиқариб ташланиши бўйича меъёрлар ўрнатилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-1-сон Қонуни 24-моддаси, 5-банди.
7.	Автотранспорт воситаларининг газларидан ҳосил бўлаётган ифлослантирувчи моддаларни белгиланган меъёрдан юқори чиқариб ташланаётганлигини текширишлар олиб борилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-1-сон Қонуни 16-моддаси.
8.	Худудда санитария-муҳофаза зоналари барпо этилганлиги ва атропо табиий муҳитга салбий таъсир этиш ҳолати содир этилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-1-сон Қонуни 24-моддаси, 4-банди.

9.	Атмосфера хавосига ташланаётган ташламалар тўғрисидаги статистик маълумотларни такдим этилиши ёки нотўғри такдим этиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги учун тегишли чоралар кўрилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-I-сон Қонуни 24-моддаси, 7-банди.
10.	Атмосферани бирварақайига (залповый) ва авария туфайли ифлослантириш содир этилганлиги, хавфли вазиятлар юзага келишини олди олиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-I-сон Қонуни 24-моддаси, 14-банди.
11.	Барг-хазонлар ва бошқа чиқиндиларни ёкиб юбориш ҳолатлари содир этилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-I-сон Қонуни 24-моддаси, 9-банди.
12.	Атмосфера хавосини ифлослантирувчи асосий ишлаб чиқариш цехлари, ташкилланган ташланмалар манбалари сони, асосий ташкилланмаган ташланмалар миқдори, турғун манбалар ва кўчма манбалардан атмосфера хавосига ҳақиқатда ташланаётган ташланмалар миқдорини ҳужжатлар асосида ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-I-сон Қонуни 10, 11, 24-моддаси
13.	Атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни тозалаш иншоотлари, асбоб-ускуналари ва аппаратураларидан фойдаланиш, шунингдек улар устидан назорат қилиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилганлигини текшириш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-I-сон Қонуни 24-моддаси, 2-банди.
14.	Корхонада чанг-газ ушлаш қурилмалари сони, унинг қуввати, техник ҳолати, лойиҳавий самарадорлигини, ҳужжатлар асосида ва лаборатория ёрдамида текшириш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-I-сон Қонуни 24-моддаси, 2-банди.
15.	Озонни бузувчи моддалари бўлган жихозлардан фойдаланишда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-I-сон Қонуни 19, 24-моддаси, 3-банди.
16.	Атмосфера хавосини ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари тўғри ҳисобланганлигини ва тўланишини ҳужжатлар асосида ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-I-сон Қонуни 25-моддаси.
17.	Фаолият давомида ҳосил бўлаётган ифлослантирувчи моддаларни атмосфера хавосига ташланиши натижасида аҳоли томонидан келиб тушган шикоят ва бу шикоятларнинг асосли бўлганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 11.09.2017 йилдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни
18.	Сувни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажармаслик оқибатида сув ва атроф-муҳитнинг бошқа объектларини ифлосланишига олиб келиш ҳолати мавжудлигини ўрганиш	Ўзбекистон Республикасининг 06.05.1993 йилдаги 837-XII-сон Қонуни 35-моддаси, 4-банди.
19.	Табиий сув манбаларидан (дарё, сой, кўл, булок ва бошқа ер усти сувлари) фойдаланиш учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома расмийлаштирилганлиги, рухсатнома муддатига амал қилинишини ҳужжатлар асосида ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 06.05.1993 йилдаги 837-XII-сон Қонуни 27-моддаси, 2-банди.
20.	Табиий сув манбаларидан олинаётган сувнинг ҳисоби юритилганлиги, сувлардан оқилона фойдаланилаётганлиги ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 06.05.1993 йилдаги 837-XII-сон Қонуни 35-моддаси, 6-банди.

33.	Сувдан ноокилона фойдаланиш натижасида ерни шўрланишига, емирилишига йўл қўйилганлиги ҳамда бузилган ерларни рекультивация қилинганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 йилдаги "Ер Кодекси" 79-моддаси
34.	Объектларни қуриш пайтида ерни унумдор қатлами олиниб, қурилиш ишлари олиб борилганлиги ҳолатлари мавжудлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 йилдаги "Ер Кодекси" 79-моддаси
35.	Ажратилган ер майдонларидан белгиланган мақсадларда фойдаланганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 йилдаги "Ер Кодекси" 79-моддаси
36.	Ерлардан фойдаланиш пайтида уларни ярқисиз ҳолга келтириш, ҳосилдорлик пасайишига олиб бориш, тупроқ структурасининг бузилишига йўл қўйилганлик ҳолати мавжудлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 йилдаги "Ер Кодекси" 79-моддаси
37.	Яйловлар таназуллига йўл қўйилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 йилдаги "Ер Кодекси" 79-моддаси
38.	Фаолият давомида ер ресурсларидан фойдаланиш натижасида ерларни ифлослантириб, унинг оқибатида юридик ва жисмоний шахсларнинг шикоятини келтириб чиқариши ва бу шикоятларнинг асосли бўлганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 11.09.2017 йилдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни
39.	Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар қуриб олишига йўл қўйилганлиги ҳолати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 13.12.2002 йилдаги 444-II-сон Қонуни 35-моддаси.
40.	Фойдали қазилма конларини ишга туширишда тегишли органларнинг ҳулосасини олганлиги ва улар билан келишилганлигини ҳужжатлар асосида ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 13.12.2002 йилдаги 444-II-сон Қонуни 25-моддаси.
41.	Ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқлар, маркшейдерлик ва геологик белгиларни сақланиши аҳволини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 06.05.1993 йилдаги 837-XII-сон Қонуни 101-моддаси.
42.	Умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларига амал қилинишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 13.12.2002 йилдаги 444-II-сон Қонуни 40 ¹ -моддаси.
43.	Фойдали қазилма конларини ярқисиз ҳолга келтирилганлиги, унинг захираларидан оқилона фойдаланиш талабларига риоя этилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 13.12.2002 йилдаги 444-II-сон Қонуни 33-моддаси.
44.	Тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бурғиланган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтирилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 13.12.2002 йилдаги 444-II-сон Қонуни 44-моддаси.
45.	Ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 13.12.2002 йилдаги 444-II-сон Қонуни 33-моддаси.
46.	Ер ости бойликларидан фойдаланишда атроф-муҳит ва бошқа объектларга хавф туғдираётганлиги оқибатида юридик ва жисмоний шахслар шикоятини келтириб чиқариши ва бу шикоятларнинг асосли бўлганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 11.09.2017 йилдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни

47.	Чикиндилар билан муносабатда бўлишда санитария нормалари ва коидаларига, экологик нормативларга ва бошқа талабларга риоя қилинишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги 362-II-сон Қонуни 13, 15-моддалари.
48.	Чикиндиларнинг паспортини тузиш, чикиндилар ҳисобини юритиш ва бу ҳақидаги ҳисоботлар топширилишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги 362-II-сон Қонуни 27-моддаси.
49.	Қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш учун чикинди кутилларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳолатлари мавжудлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги 362-II-сон Қонуни 15-моддаси, 6-банди. Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 йилдаги 787-сон қарори
50.	Чикиндилар ҳосил бўлиши, нормативлар ва чикиндиларни жойлаштириш лимитларини ишлаб чиқилганлиги, давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олинганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги 362-II-сон Қонуни 18-моддаси.
51.	Чикиндиларни рухсат этилмаган жойларда сақлаш, қайта ишлаш, фойдаланиш ва кўмишга доир ишларни амалга оширишда йўл қўйилмаётганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги 362-II-сон Қонуни 13, 15-моддалари.
52.	Экологик вазият ёмонлашуви, ноқонуний чикиндихоналар юзага келишини олдини олиш, чикиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилиши ҳолатини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори
53.	Кам чиқитли ва чиқитсиз технологик жараёнларни, чикиндилардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва қайта ишлаш технологияларини жорий қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни мавжудлиги ва бажарилишини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги 362-II-сон Қонуни 13, 15-моддалари.
54.	Чикиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари ҳисобланиши ва тўланишини ҳужжатлар асосида ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 05.04.2002 йилдаги 362-II-сон Қонуни 23-моддаси.
55.	Чикиндилар билан ишлаш фаолиятида атроф муҳитга таъсир кўрсатаётганлиги ва ифлослантирилаётганлиги оқибатида юридик ва жисмоний шахслар шикоятини келтириб чиқариши ва бу шикоятларнинг асосли бўлганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 11.09.2017 йилдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни
56.	Тоифалар бўйича берилган давлат экологик экспертизаси хулосалари шартларининг амалда бажарилиши ҳолати (агар давлат экологик экспертиза хулосаларида белгиланган бўлса)ни ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 25.05.2000 йилдаги 73-II-сон Қонуни 9-моддаси.
57.	Фаолияти тури бўйича экологик норматив ҳужжатларини ишлаб чиқилиши, экологик экспертизанинг хулосасини олиш учун тақдим этилганлиги, экологик норматив ҳужжатлар мавжудлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 25.05.2000 йилдаги 73-II-сон Қонуни 11, 13, 22-моддалари.
58.	Давлат экологик экспертиза хулосасида кўрсатилган фаолият турини ташкил этмасдан бошқа фаолиятни ташкил этганлиги, Экспертиза хулосаси мавжуд бўлмасдан қўшимча қурилишлар қуришга йўл қўйилганлиги ҳолатлари мавжудлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 9.12.1992 йилдаги 754-XII-сон Қонуни 25-моддаси.
59.	Объект томонидан ишлаб чиқариш экологик назоратини олиб бориш учун тегишли лабораторияси мавжудлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.2013 йилдаги ЎРҚ-363-сон Қонуни 9-моддаси.

60.	Ишлаб чиқариш экологик назоратини олиб бориш учун махсус сертификат ёки аккредитация синовидан ўтган лаборатория билан шартнома тузилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.2013 йилдаги ЎРҚ-363-сон Қонуни 9-моддаси.
61.	Ишлаб чиқариш экологик назоратини олиб бориш даврида ифлослантирувчи моддаларни атмосфера хавосига чиқариб ташлаш, оқова сувларни очик сув хавзасига ёки рельефга ташлаш натижасида меъеридан ортиқча чиқиш ҳолатлари мавжудлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.2013 йилдаги ЎРҚ-363-сон Қонуни 9-моддаси.
62.	Давлат экология кўмитаси органлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан берилган мажбурий кўрсатмаларни бажарилганлигини ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.2013 йилдаги ЎРҚ-363-сон Қонуни 22-моддаси.
63.	Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг кесилиши, корхона ҳудудида ободонлаштириш ишларининг аҳволи бўйича ўрганиш.	Ўзбекистон Республикасининг 21.09.2016 йилдаги ЎРҚ-409-сон Қонуни 37-моддаси.

Назорат қилувчи органининг масъул ходими  А. Муминов

**Норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги
норматив ҳужжатларда белгиланган тадбиркорлик фаолияти бўйича
мажбурий талаблар рўйхати**

№	Мажбурий талаб мазмуни	Талаб қўлланиладиган тадбиркорлик фаолияти турлари (фаолият турининг ИФУТларини кўрсатган ҳолда)	Мажбурий талаб белгиланган норматив-ҳуқуқий ёки техник норматив ҳужжат (аниқ модда ва бандларини кўрсатган ҳолда)
1	Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш, табиат мажмуалари яхлитлигини сақлаб қолиш, жонли табиат объектларининг яшаш ва ўсиш муҳити бузилишига йўл қўймаслик, бошқа табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддаси.
2	Тупрокдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда фойдаланиш.		Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси.
3	Тупрокнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилишини таъминлаш.		Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси.
4	Қазиб олишда ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек атроф-муҳит ва ер қаъри ифлосланишининг олди олиш чораларини кўриш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси.
5	Фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерларни рекультивация қилиб, тиклаш ишларини амалга ошириш ва давлат захирасига қайтариш чораларини кўриш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси.
6	Фойдали қазилма конларини ишга солиш, шунингдек минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда кенгайтириш лойиҳаларини давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олгандан сўнг амалга ошириш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси.
7	Ер ости бойликларидан ва кенг тарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш даврида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилишини таъминлаш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси.
8	Қайта тикланадиган фойдали	Барча	Ўз. Рес. “Табиатни

	казилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланишга йўл қўйиш.	тадбиркорлик субъектлари	муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси.
9	Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжуд бўлса ёки ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш назарда тутилган маҳсулот тақсимооти тўғрисидаги битим мавжуд бўлсагина фойдаланишга йўл қўйилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	
10	Фойдали қазилмаларнинг юзасини олишда ҳосил бўладиган жинслар ағдармалари, сақлагичлар, терриконлар уларнинг атроф-муҳитга энг кам даражада зарарли таъсир кўрсатиши таъминланган ҳолда жойлаштириш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси.
11	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости сувларининг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддаси.
12	Атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндиларни тозалаш ва унга зарарли таъсирни камайтириш учун иншоотлар, қурилмалар ва асбоб-ускуналардан, шунингдек уларнинг устидан назорат қилиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг ишлаш қоидаларига риоя этилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
13	Озонни бузувчи моддаларнинг ҳисобини юритиши, уларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўймаслиги бўйича тегишли чоралар белгилансин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
14	Хўжалик объектлари теварагида санитария-муҳофаза зоналарини барпо этишлиши таъминлансин, снитария муҳофаза зонасида ихота дарахтзорлари барпо этилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
15	атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқариш бўйича тегишли тартибда (йўл қўйиладиган доирадаги) нормативларни ишлаб чиқиш ва тегишли органнинг рұхсатини олиш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
16	Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаришни ҳамда унга зарарли таъсирни камайтириш ва (ёки) бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
17	Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи	Барча	Ўз.Рес “Атмосфера

	моддалар чиқарилиши ҳамда унга зарарли таъсирининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши, уларнинг ҳисобини юритиши ва ўз вақтида статистика ҳисоботини тақдим этиш.	тадбиркорлик субъектлари	хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
18	Атмосфера хавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг сифат ва миқдорий таркибини аниқлаш чоралари қўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
19	Ёкиш учун мўлжалланмаган жойларда ва (ёки) қурилмаларда ёқилғининг, ёқилғи сифатида фойдаланиладиган моддаларнинг ёки моддалар аралашмасининг ёқилишига, шунингдек ёқилғи ҳисобланмайдиган материаллар ва чиқиндиларнинг ёқилишига йўл қўймаслик.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
20	Энергияни тежовчи ва (ёки) ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда экологик жиҳатдан тоза энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини қўриш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
21	Метеорологик шароитлар ноқулай келиши қутилаётганлиги муносабати билан атмосфера хавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилишини камайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган тадбирларни бажариши;	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
22	Кучли таъсир этувчи захарли моддаларни ҳамда буғланувчи бирикмаларни сақлаш, ташиш шартларига, улардан фойдаланиш ва улардан бўшаган идишларни зарарсизлантириш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
23	Атмосфера хавосига бирйўла ва авария туфайли ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг, яширин хавфли вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, шунингдек атмосфера хавосининг трансчегаравий ифлосланишини камайтириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг 24-моддаси
24	Чиқиндиларнинг утилизация қилинишини таъминлаши ҳамда улар тўпланиб қолганида ва қайта ишланаётганида атмосфера хавосини	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги қонуннинг

	ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кўриш.		24-моддаси
25	Ишлаб чиқариш чикитлари, маиший ва бошқа хил чикитлар ҳамда чиқиндиларни сув объектларига ташланиши олди олинсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 99-моддаси.
26	Мойларни, кимёвий ва нефть маҳсулотларини ҳамда бошқа зарарли маҳсулотларни тўкилиб-сочилиши натижасида сув ва сув объектларини булғатиш ва ифлослантириш олди олинсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 99-моддаси.
27	Сув ва сув хавзаларини саноат чикитлари, маиший чиқинди ва бошқа ташландиқ чикитлар, нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан ифлослантириш олди олинсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 99-моддаси.
28	Ер усти ва ер ости сувларни нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан ифлослантириш олди олинсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	
29	Сувларни ўғитлар, захарли кимёвий моддалар ва бошқа зарарли моддалар билан булғатиш ва ифлослантиришни олдини олиш чораталари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 99-моддаси.
30	Сув объектларига оқова сувларни окизиш даврида, сув таркибидаги ифлословчи моддаларнинг белгилаб қўйилган меъёрлардан ошиб кетишига йўл қўймасин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 74-моддаси.
31	Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга риоя этилиши таъминлансин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
32	Қонунчиликда белгиланган тартибда чиқиндиларнинг ҳисобини юритиш, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш чоралари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
33	Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоралари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
34	Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига, йўлларнинг четига, катнов қисмига қурилиш ва маиший чиқиндилар ташланиши ҳамда жойлаштирилишининг олди олинсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
35	Чиқиндиларни тўплашни таъминлаш, ўзига тегишли бўлган биноларга яқин ёки туташ ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинчалик	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.

	сақлаш учун контейнерлар (кутилар) ўрнатиш чоралари кўрилсин.		
36	Ўзининг мулки бўлган чиқиндиларнинг утилизация қилинишига доир технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш чоралари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
37	Чиқиндиларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслик чоралари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	
38	Чиқиндиларнинг белгиланмаган жойларда ёки объектларда сақланиши, қайта ишланиши, утилизация қилиниши ва зарарсизлантирилишига, шунингдек бундай жойларга ёки объектларга жойлаштирилиши ҳамда ташланишига йўл қўйилмасин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
39	Махсус техник мосламаларни кўлламаган ҳолда чиқиндиларни ёкиб юборилиши олди олинсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
40	Чиқиндилар жойлаштирилган объектларини санитария ва экологик ҳолати устидан назоратни амалга ошириш доимий равишда таъминлансин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
41	Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш чоғида ҳолати бузилган ер участкаларида рекультивация ўтказиш ишлари амалга оширилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
	Чиқиндиларни утилизация қилиш, уларни чиқиндиларни тўплаш, сақлаш ва утилизация қилиш билан шуғулланувчи бошқа юридик ва жисмоний шахсларга реализация қилиш ёки бериш, шунингдек утилизация қилинмайдиган чиқиндиларни экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда зарарсизлантирилиш чораларини кўриш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
42	Чиқиндиларни жойлаштирганлик учун белгиланган тартибда компенсация тўловлари ўз вақтида тўлаш чораларини кўриш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунининг 15-моддаси.
43	Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш талаб этилганда келишиш учун экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз.Рес.нинг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддаси.
44	Сув объектларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежаб сарфлаш, сувларнинг сифатини тиклаш ва яхшилаш чоралари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг

			35-моддаси.
45	Белгиланган сув олиш лимитларига ва сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси.
46	Сувдан махсус фойдаланиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда рухсатномани расмийлаштириш чоралари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси.
47	Ифлослантирувчи моддалар мавжуд бўлган оқинди сувларни очиқ сув объектларига окизишни тамомила тугатиш чора-тадбирлари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси.
48	Олинаётган сувларни миқдори ҳисобини юритиш, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоботни ўз вақтида тақдим этиш чоралари кўрилсин.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси.
49	Сувларнинг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларига сувларнинг зарарли таъсирини бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши, шунингдек ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган майдонларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик чоралари кўриш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси.
50	Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари режимига риоя этилиши чораларини кўриш.	Барча тадбиркорлик субъектлари	Ўз. Рес. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддаси.

**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонунчилик талабларига
(мажбурий талабларга) мувофиқлигини текшириш бўйича давлат
назорати функциялари рўйхати**

Т/р	Назорат функцияси	Назорат функцияси шакли (жойига чиққан ҳолда, тадбиркорни чақирган ҳолда, масофавий, лаборатор-тахлил ва бошқа)	Назорат қўлланиладиган тадбиркорлик фаолияти турлари	Назорат ваколати белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат (аниқ модда ва бандларини кўрсатган ҳолда)
1	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик назоратини амалга ошириш.	Жойига чиққан ҳолда, тадбиркорни чақирган ҳолда ва лаборатор-тахлил ўтказиш шаклида	Барча тадбиркорлик субъектларида	Ўзбекистон Республикасининг 27.12.1996 йилдаги 353-І-сон Қонунининг 5 ² -моддаси.
2	Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш.	Жойига чиққан ҳолда, тадбиркорни чақирган ҳолда ва лаборатор-тахлил ўтказиш шаклида	Барча тадбиркорлик субъектларида	Ўзбекистон Республикасининг 09.12.1992 йилдаги 754-ХІІ-сон Қонунининг 11-модаси.
3	Ер, ер ости бойликларини, сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш.	Жойига чиққан ҳолда, тадбиркорни чақирган ҳолда ва лаборатор-тахлил ўтказиш шаклида	Барча тадбиркорлик субъектларида	Ўзбекистон Республикасининг 09.12.1992 йилдаги 754-ХІІ-сон Қонунининг 11-модаси.
4	Атмосфера ҳавоси, ер усти сувлар ва тупроқнинг ифлосланишини тегишли методикалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятларидан ва экологик нормативлардан келиб чиқиб, у ёки бу зарарли моддаларнинг мавжудлиги юзасидан тегишли тартибда текшириш.	Жойига чиққан ҳолда ва лаборатор-тахлил ўтказиш шаклида	Барча тадбиркорлик субъектларида	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.09.2019 йилдаги 737-сон Қарорига асосан.
5	Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик	Жойига чиққан ҳолда, тадбиркорни чақирган ҳолда ва лаборатор-тахлил ўтказиш шаклида	Барча тадбиркорлик субъектларида	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.01.2019 йилдаги 29-сон Қарорига асосан.

	дунёсини муҳофаза қилиш хамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини амалга ошириш.			
--	---	--	--	--